


## ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 7018,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 100,1 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 2793,6 млрд. сўмни (96,4 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 4120,3 млрд. сўмни (103,4 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 18,0 млрд. сўмни (51,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 27,4 млрд. сўмни (117,0 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўмни (96,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 59,2 млрд. сўмни (102,3 фоиз) ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)  
ҳажмининг тақсимланиши, фоизда



- Ўрмон хўжалиги
- Балиқ хўжалиги
- Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Хизматлар (овчилик билан)


## 2019 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари

млрд.сўм



Хусусан юкори ўсиш суръатлари Бухоро шаҳрида (103,3 фоиз), Ғиждувон (102,8 фоиз) ва Бухоро (102,1 фоиз) туманларида кузатилди. Когон шаҳрида (59,3 фоиз), Қоровулбозор (92,1 фоиз), Вобкент (95,8 фоиз), Шофиркон (95,9 фоиз) ва Пешкў (99,9 фоиз) туманларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши




Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Бухоро туманининг улуши 12,0 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Жондор ва Ғиждувон туманлари мос равишда 11,6 фоиз ва 11,3 фоиз кўрстакич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Бухоро шаҳар (1,6 фоиз) ва Қоровулбозор (2,4 фоиз) туманларида қайд этилди.

### **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари**

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 100,2 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 96,4 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 103,4 фоизни ташкил қилди.


### **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачиликнинг улуши**



■ Деҳқончилик

■ Чорвачилик

### Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



2019 йилнинг январь-июнь ойларида 6913,9 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 2793,6 млрд. сўмга тенг қисми ёки 40,4 фоизи деҳқончилик, 4120,3 млрд. сўмга тенг қисми ёки 59,6 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда Қоровулбозор, Пешкў, Бухоро туманларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу туманларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 61,5 – 43,7 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади.


Шунингдек, Когон, Олот, Қорақўл туманларида асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу ҳудудларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 68,6 – 63,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 83,9 фоизи - дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 14,6 - фоизи фермер хўжаликларига, 1,5 фоизи - қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

### Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, % ҳисобида



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди.

2019 йилнинг январь-июнь ойлари якунларига кўра фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Қоровулбозор (54,6 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг юқори улуши Қорақўл (89,8 фоизи) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Когон (6,8 фоизи) туманларида қайд этилди.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич эса Ғиждувон (9,9 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг кам улуши Қоровулбозор (38,4 фоизи) ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Вобкент (0,1 фоизи) туманларида қайд этилди.

### **Деҳқончилик**

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларнинг ҳажми 2793,6 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 96,4 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 40,4 фоизни ташкил қилди.

Вилоятда 2019 йил 1 июль ҳолатида давлат хирмонига 173,0 минг тонна ғалла топширилди. Шартномавий режа 105,3 фоизга удаланди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 16,6 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 236134 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 71571 гектарни, шу жумладан, бошоқли дон 70696 гектарни, шундан буғдой 70665 гектарни, маккажўхори дон учун 533 гектарни, дуккакли дон экинлари 326 гектарни, техник экинлар жами 105488 гектарни, шу жумладан, ғўза майдони 104794 гектар, мойли экинлар 663 гектар, картошка 5393 гектарни, сабзавотлар жами 18883 гектарни, полиз 4170 гектарни, сабзавот экини уруғзорлари 26 гектарни, озуқа экинлари 30603 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 13141 гектарни ҳамда тоқзорлар 10107 гектарни ташкил этди.

Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 97,1 фоизи, сабзавотнинг 92,9 фоизи, полиз маҳсулотларининг 70,9 фоизи, узумнинг 86,3 фоизи ва меванинг 70,9 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.




### Ҳосилни йиғиб олиш.

Жорий йилнинг январь - июнь ойларида жами дон 339218 тонна (2018 йил шу даврига нисбатан 16,8 фоизга кам), шу жумладан, бошоқли дон 339218 тонна (16,8 фоизга кам), шундан буғдой 339210 тонна (16,6 фоизга

кам), картошка 140949 тонна (1,0 фоизга кўп), сабзавот 232658 тонна (3,2 фоизга кўп), полиз 12213 тонна (8,7 фоизга кам), мева 141121 тонна (1,2 фоизга кўп), узум 3808 тонна (5,3 фоизга кўп) йиғиб олинди.

### Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, % ҳисобида




Деҳқон ( шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб колмокда, ҳисобот даврида умумий сабзавотлар ҳажмининг 92,9 фоизи, мева ва резаворларнинг 70,9 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилди.

**2019 йилнинг январь-июнида хўжалик тифалари бўйича асосий  
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	288,8	90,6	47,9	55,6	2,5	93,1
Картошка	4,0	62,9	136,9	102,8	0,04	75,0
Сабзавотлар	13,1	68,3	216,1	106,4	3,5	109,5
Полиз	3,5	73,4	8,6	101,1	0,1	108,0
Мевалар ва резаворлар	40,6	97,3	100,0	103,0	0,5	88,3
Узум	0,4	3,4 м.к	3,3	94,4	0,1	26,7 м.к

**2019 йилнинг январь-июнида шаҳар ва туманлар кесимида асосий  
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Дон (тонна)**



**Картошка (тонна)**



### Сабзавотлар (тонна)




### Полиз (тонна)



### Мевалар ва резаворлар (тонна)



### Узум (тонна)



## Чорвачилик



2019 йил январь - июнь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4120,3 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 59,6 фоизни ташкил этди.


2019 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 116810 тонна гўшт (2018 йилнинг январь - июнига нисбатан 4,5 фоизга кўп), 423,8 минг тонна сут (2,6 фоизга кўп), 211,9 млн.дона тухум (0,2 фоизга кўп), 2083 тонна жун (3,7 фоизга кам), 408,4 минг дона қоракўл тери (ўтган йилга нисбатан 2,5 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

### 2019 йилнинг январь-июнь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги баолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %
Гўшт тирик вазнда, тонна	116810	104,5	3347	121,8	112192	104,1	1271	104,5
Сут, тонна	423840	102,6	16404	89,4	405539	103,3	1897	94,1
Тухум, минг дона	211942	100,2	19777	168,5	127482	105,7	64683	81,6
Жун, тонна	2083	96,3	182	79,5	1803	98,9	98	88,3

## Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмидан 96,0 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 95,7 фоизи, тухумнинг 60,1 фоизи, жуннинг 86,6 фоизи, қорақўл терининг 89,8 фоизи ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.



**2019 йилнинг 1 июль ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамоллар	1201,0	100,4	59,4	92,8	1126,9	101,1	14,7	85,0
шу жумладан сигирлар	388,3	100,8	18,3	101,7	367,8	101,0	2,2	68,8
Қўй ва эчкилар	2116,5	101,5	222,4	98,4	1735,8	101,6	158,3	105,1
Паррандалар минг бош	4676,8	105,2	496,8	171,8	2744,0	103,9	1436,0	94,8

**Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини  
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

Гўшт (минг т.)



Сут (минг т.)



Тухум (млн.дона)

Балиқ (тонна)



2019 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1201,0</b>	<b>100,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	59,4	92,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1126,9	101,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	14,7	85,0
улардан сигирлар	388,3	100,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	18,3	101,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	367,8	101,0

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,2	68,8
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>2116,5</b>	<b>101,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	222,4	98,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1735,8	101,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	158,3	105,1
<b>Отлар</b>	<b>5,3</b>	<b>108,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,2	152,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	97,3
<b>Паррандалар</b>	<b>4676,8</b>	<b>105,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	496,8	171,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2744,0	103,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1436,0	94,8

Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,1 фоизни ташкил қилди.

**2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик  
маҳсулотлари**


	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>116,8</b>	<b>104,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	3,3	121,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	112,2	104,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар	1,3	104,5
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>423,8</b>	<b>102,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	16,4	89,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	405,5	103,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар	1,9	94,1
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>211,9</b>	<b>100,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	19,8	168,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	127,5	105,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар	64,6	81,6

**Йирик шохли қорамоллар  
ва паррандалар бош сони**

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1201,0 минг бошни, шу жумладан сигирлар – 388,3 минг бошни, қўй ва эчкилар – 2116,5 минг бошни, от – 5311 бошни, паррандалар – 4676,8 минг бошни ташкил этди. 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 5,3 минг бошга (0,4 фоизга), шу жумладан сигирлар – 3,0 минг

бошга (0,8 фоизга), кўй ва эчкилар – 31,4 минг бошга (1,5 фоизга), отлар – 426 бошга (8,7 фоизга), паррандалар – 230,5 минг бошга (5,2 фоизга) кўпайди.

**Хўжалик тоифаларининг чорва моллари  
ва паррандалар бош сонидаги улуши, % ҳисобида**



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар 5,0 фоизи фермер хўжаликларига 93,8 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,5 фоизи фермер хўжаликларига, 82,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 10,6 фоизи фермер хўжаликларига, 58,7 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2019 йил 1 июль ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)      шу жумладан: сигирлар (минг бош)**



**Қўйлар ва эчкилар (минг бош)**



**Паррандалар (минг бош)**



**Фермер хўжаликлари.** 2019 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1011,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 14,6 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 июль ҳолатида фермер хўжаликларида 59,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,3 минг бош сигир, 222,4 минг бош қўй ва эчкилар, 496,8 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2018 йил январь-июнь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 7,2 фоизга кам, қўй ва эчкилар 1,6 фоизга кам, паррандалар 71,8 фоизга кўпайган.

**2019 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	2018 йил январь-июнь		2019 йил январь-июнь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	2747	2,4	3347	2,9	121,8
Сут	18343	4,4	16404	3,9	89,4
Тухум, минг дона	11739	5,5	19777	9,4	168,5
Қорақўл тери, дона	33331	8,4	27358	6,7	82,1
Жун	229	10,6	182	8,7	79,5
Пилла	1303,9	100,0	1354,2	74,9	103,9
Бошоқли дон	318874	78,2	288822	85,1	90,6
шундан: бугдой	318874	78,4	288822	85,1	90,6
Картошка	6424	4,6	4043	2,9	62,9
Сабзавот	19249	8,5	13140	5,6	68,3
Полиз	4729	35,4	3470	28,4	73,4
Мева ва резаворлар	41714	29,9	40583	28,8	97,3
Узум	130	3,6	440	11,6	3,4 м.к